



**АПРЕЛДАН
НИМАЛАР
ЎЗГАРАДИ?**

Айрим тўловлар
фақат нақдсиз
шаклда амалга
оширилади

Улар қаторига кўчмас
мулк ва айрим транспорт
воситалари олди-сотдиси,
давлат хизматлари, электр,
газ ва сув учун тўловлар,
алкоголь ва тамаки маҳсу-
лотлари хариди, АЁҚШ ва
«электрозаправка» хизмат-
лари, шунингдек, қиймати
25 миллион сўмдан юқори
бўлган товар ва хизматлар
киради.

Давлат
шифоҳоналари
5 кунлик иш
тартибига ўтади

Аҳолига тиббий хизмат
кўрсатишда узилиш бўл-
маслиги учун байрам ва дам
олиш кунларида навбатчи-
лик тизими йўлга қўйи-
лади. Бу орқали шифохо-
налар ва бошқа давлат тиб-
биёт муассасалари зарур
хизматларда фаолиятини да-
вом эттиради.

Радарлар ҳам
жарима баллари
ёзади

Хукумат қарори билан
жарима балларини транс-
порт воситасининг мулк-
дори ва мазкур транспорт
воситасидан ишончнома,
суғурта полиси ёки йўл ва-
ракаси асосида фойдала-
нувчи бошқа ҳайдовчи-
лар ўртасида тақсимлаш
тартиби белгиланди. Унга
қўра, ўзига тегишли авто-
мобилни бошқариш учун
бошқа шахсга берган мулк-
дорлар шахсий электрон
кабинет очиб, машинани
кимга топшираётганини
кўрсатиши, ўша шахс эса
машинани бошқариш учун
қабул қилиб олганини тас-
диқлаши керак. Агар ка-
бул қилиб олувчи бундан тас-
диқламаса, радарлар қайд
этан жарима баллари ҳай-
довчилик гувоҳномаси бўл-
ган тақдирда машина эгаси-
нинг ҳисобига ёзилади.

Агар қабул қилиб олувчи
шахс бундан тасдиқламаса,
шунингдек, транспорт восита-
сининг мулкдоридан ҳайдов-
чилик гувоҳномаси бўлма-
са, бундай транспорт восита-
ларида содир этилган қондубу-
зарликлар учун ҳисобланади-
ган жарима баллари йиғин-
диси 12 баллдан ошганда,
жарима майдончасига жой-
лаштириш орқали вақтинча
ушлаб турилади.

Бошқа муҳим
ўзгаришлар

2026 йил 1 апрелдан
бошлаб:
* давлат органлари ки-
берхавфсизликка бюджет
маблағлари ажратлади;
* пилла этиштирувчи-
ларга 35 фоизгача субсидия
берилди;
* косметика ва БАД ишлаб
чиқарувчилар учун божхона
имтиёзлари жорий этилади;
* зўравонликдан жабр-
ланган аёллар учун «SOS»
мобил тизими ўрнатилди;
* айрим ҳудудларда
боғча тўловлари 50 фоизга
камайтирилди;
* сувни тежамаслик мо-
лиявий жаримага сабаб
бўлади;
* В1 даражада ўзбек ти-
лини билган чет элликлар
имтиҳондан озод қилинади;
* нотариуслар учун ёш
чегараси 70 ёшгача ошири-
лади;
* экология қонунбузар-
ликлари учун молиявий
санкциялар жорий этилади;
* IT стартаплар учун
имтиёзлар берилди;
* давлат ташкилотла-
рида молиявий назорат ку-
чайтирилади.

Кутлов

Яшил макон

МУНОСИБ МЕХНАТ ЭЪТИРОФИ

Ўзбекистон
Республикаси
Президенти Шавкат
Мирзиёевнинг
тегишли фар-
мони билан
«Oqtosh Shaboda
sanatoriyasi»
масъулияти чеклан-
ган жамияти ди-
ректори Абдурашид
Разаков «Дўстлик»
ордени билан муко-
фотланди. Шу муно-
сабат билан Ўзбеки-
стон касабалари Федерациясида
ушбу юксак муко-
фотни топшириш ма-
росими бўлиб ўтди.



Эъзава УМУРЗОҚОВА олган сурат

Мукофотни топши-
рар экан, Федерация раи-
си Қудратилла Рафиқов
Абдурашид Разаковни са-
мимий кутлаб, касабалари
тизимидagi кўп
йиллик самарали меҳнати,
юртимизда инсон манфа-
атларини рўёбга чиқариш,
фуқароларни ижтимоий
қўллаб-қувватлашга қара-
тилган дастурлар ижро-
сини таъминлаш, халқим-
из фаровонлигини юк-
салтириш борасидаги
катта хизматлари, шунинг-
дек, аҳоли саломатлигини
мустаҳкамлаш ишларига
қўшган муносиб ҳиссаси,

ёшларни ватанпарвар-
лик, миллий ва умуминсо-
ний қадриятларга ҳурмат
руҳида тарбиялаш йўли-
даги ибратли фаолиятига
алоҳида тўхтади.
- Бугун мен учун уну-
тилмас кун. Боиси, юртим,
халқимиз олдида қилган
меҳнатларим Юртбошим-
из томонидан «Дўстлик»
орденига лойиқ кўрилди.
Бундай юксак шарафни ти-
зимдаги фидойи инсонлар-
нинг меҳнатига берилган
эътироф, деб қабул қил-
дим, - деди «Oqtosh Shaboda
sanatoriyasi» масъулияти
чекланган жамияти ди-

ректори Абдурашид Раза-
ков. - Фурсатдан фойдала-
ниб, фаолиятим давомиди
мени қўллаб-қувватлаб ке-
лаётган ҳаммага миннат-
дорлик билдираман. Соҳа-
даги камтарона хизматла-
римизни юксак баҳолаб,
эҳтиром кўрсатаётганларга
чин дилдан раҳмат айта-
ман. Тилагим - Президен-
тимиз омон, халқимиз тур-
муши янада фаровон бўл-
син. Янги Ўзбекистонимиз
тараққиёт йўлида дадил
одимлайверсин!
Сўзга чиққанлар мамла-
катимизда инсон қадрини
улуғлашга алоҳида эътибор

қаратилаётгани эътироф
этишиб, Абдурашид Раза-
ков мамлакатимизда амалга
оширилаётган кенг қўламли
ислохотларга ўзининг фи-
дойчилиги билан ҳисса қў-
шиб келаётганини таъкид-
лашди. Давлатимиз раҳбари
томонидан соҳага қарати-
лаётган эътиборни алоҳида
қайд этишиб, мазкур эъти-
роф ҳам унинг ёрқин намоё-
ни экани, бунинг замирида
тиришчилик, изланувчан-
лик, жўшқинлик, тезкор-
лик, мардлик, одамийлик
этишини айтиб ўтишди.

Ўз мухбиримиз

Сирдарё вилоятида Ўзбекистон касабалари Федерациясининг
вилоят кенгаши ҳамда «Сирдарё Мега Люкс» МЧЖ ишчи-ҳодимлари
ташаббуси билан 10 гектар майдонда «Касабалари боғи» барпо
этилди. Унга 15 минг тупдан зиёд манзарали дарахт кўчатлари ва буталар
экилиб, яшил ҳудуд яратилди.

СИРДАРЁДА «КАСАБА УЮШМАЛАРИ БОҒИ» БАРПО ЭТИЛДИ

Мазкур ташаббус Наврўз умумхалқ байрами муноса-
бати билан ўтказилган маданий-маърифий тадбир ва
концерт дастури билан уйғунлашди. Боғнинг очилиш
маросимида сўзга чиққанлар унинг аҳамияти, жамоанинг
фаоллиги ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги
ишларга алоҳида тўхтади.

Боғни барпо этишда корхона ходимлари, касабалари уюшмаси
аъзолари фаол иштирок этдилар. Ҳудуднинг иқлим шароити
таъминлаш, оқ қайин, лола дарахти каби кўчатлар, шунинг-
дек, турли бутасимон ўсимликлар ва гуллар экилиб, замона-
вий ландшафт шакллантирилди. Бу келгусида ҳудуднинг эко-
логик барқарорлигини таъминлаш билан бирга, аҳоли учун
қўлай дам олиш маскани яратилишига хизмат қилади.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон касабалари Фе-
дерацияси Сирдарё вилояти кенгаши раиси Рустамбек Тур-
сунмуродов мазкур боғ давлат раҳбарининг ҳар бир ҳудудда
«Касабалари боғлари»ни ташкил этиш ташаббуси асо-
сида барпо этилганини таъкидлади. Унинг сўзларига қўра,
бундай лойиҳалар ишчи-ҳодимлар ўртасида бирдамликни
мустаҳкамлаш, экологик маданиятни юксалтириш ва юрт
ободлигига ҳисса қўшишда муҳим аҳамият касб этади.

Маълумот ўрнида, «Сирдарё Мега Люкс» МЧЖ 2012 йилда
ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда умумий қиймати 450
миллион долларлик инвестиция лойиҳаларини амалга ошир-
моқда. Корхонада Марказий Осиёда ягона бўлган BOPP плёнка
ишлаб чиқариш йўлга қўйилган, йиллик ишлаб чиқариш қув-
вати 110 минг тонна полимер маҳсулотини ташкил этади.

Ҳозир корхонада 2150 нафардан зиёд ходим меҳнат қил-
моқда, уларнинг 850 нафари ёшлар. 2024-2025 йилларда 1,5
триллон сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 46,3 миллион
долларлик маҳсулот экспорт қилинган.

Корхона ишчи-ҳодимларининг ҳамжиҳатлиги туфайли
кўпчиликнинг кўнглида ҳавас, кўзларида қувонч уйғотган
шундай катта боғ яратилди. Мутахассисларнинг фикрича,
бундай боғлар ҳудудларда экологик ҳолатни яхшилаш, аҳоли
саломатлигини мустаҳкамлаш ҳамда яшил ҳудудлар улу-
шини оширишда муҳим ўрин тутлади. «Касабалари боғи»
келгусида сирдарёликлар учун замонавий ва обод дам
олиш масканига айланиши кутилмоқда.

Дилнавоз САЙДОВА,

Ўзбекистон касабалари Федерацияси
Сирдарё вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари
бўйича маслаҳатчиси

Иқтисодийда ўсиш
суръатларини сақлаш ва
давом эттириш чоралари
қўриб чиқилди

Бу ҳақда тўлиқ маълумот
олиш учун куйидаги QR
кодни сканерланг:



Солиқдан қарзи борларга
«свет» чекланадими?
Наманганда янги тажриба
бошланмоқда

Бу ҳақда тўлиқ
маълумот олиш учун
ishonch.uz га ўтинг:



ХАЛҚПАРВАР ТАШКИЛОТ


Фуқаролар муурожаатларини ўз вақтида
ва адолатли ҳал этиш борасида касабалари
уюшмалари олиб бораётган ишлар ижобий
самарасини бермоқда. Хусусан, Наманган
вилояти, Косонсой тумани, «Қорасув» маҳал-
ласида яшовчи фуқаро Мавлуда Абдуллаева-
нинг Ўзбекистон касабалари Федерация-
сининг хотин-қизлар масалалари бўйича
«Ишонч телефони»га йўллаган муурожаати
атрофлича ўрганиб чиқилди.

Маълум бўлишича, у тумандаги 8-умумий
ўрта таълим мактабиди она тили ва адабиёт
фани ўқитувчиси бўлиб ишлаган. 2025 йил де-
кабрь ойида туғуруқ таътилига чиққан. Аммо
амалдаги қонунчилик талабларига қарамай,
унга декрет пули тўлаб берилмаган. Касабалари
уюшмаси масъулларининг саъй-ҳаракатлари
билан ходимга 23 миллион 159 минг сўм дек-
рет пули тўлаб берилди.

- «Ишонч телефони» рақамини минг бир
андиша билан терган эдим. Уша лаҳзаларда
муурожаатим бу қадар тез ҳал бўлишини хаё-
лимга ҳам келтирмагандим, - дейди М.Абдул-
лаева. - Касабалари халқпарвар таш-
килот эканига яна бир бор амин бўлдим.

Алижон СИДДИҚОВ,

Таълим ва фан ходимлари касабалари уюшмаси
Косонсой тумани кенгаши раиси



1211
эшилади...

ЗАРУР ЁРДАМ КЎРСАТИЛАДИ

Халқимиз шундай вазиятлар бўладики,
инсон учун биргина амалий ёрдам
катта умидга айланади. Бу, айниқса,
фарзандлари тақдири учун курашаётган она
учун жуда муҳим.

Малика Муродова ўз муурожаатида аввал
«Аёллар дафтари»га ёлғиз она сифатида ки-
ритилганини, бироқ маълум вақт ўтгач, ҳеч
қандай ёрдам олмасдан рўйхатдан чиқарил-
ганини баён қилди. Икки нафар вояга етма-
ган болани тарбиялаётган она учун бу жид-

дий ташвиш уйғотди. Шу боис маҳалла идо-
расига муурожаат қилиб, белгиланган тартиб
ҳақида суриштирди ва «тоифа олиб ташлан-
ган, ёрдам берилмайди», деган жавоб олди.
Шундан сўнг Ўзбекистон касабалари Фе-
дерациясининг хотин-қизлар муаммо-
лари бўйича 1211 рақамли «Ишонч телефо-
ни»га сим қоқди.

Малика Муродованинг муурожаати бел-
гиланган тартибда ўрганилди. Маълум бў-
лишича, у аввал ҳам давлат эътиборидан

БИЗНИ ТИНГЛАГАНЛАРГА ТАШАККУР!

Оилалиман. 4 нафар фарзан-
дим бор. Турмуш ўртоғим
кунлик ишлар билан банд.
Ўзим эса П гуруҳ ногирониман.
Кам даромадли оналар рўйха-
тида тураман.

Яқинда маҳалла фуқаролар
йўғини раисига бир марталик
моддий ёрдам сўраб муурожаат
қилдим. Аммо ҳадеганда на-
тижа бўлавермади. Кейин 1211

рақамли «Ишонч телефони»га
кўнғирок қилдим. Ҳеч қанча
вақт ўтмай, менга бир марталик
моддий ёрдам ажратилди.
Очиғи, шу маблағга эҳтиёжи-
миз бор эди. Бизни эшитадиган-
лар ҳам бор экан, деб роса қувон-
дик. Мутасаддиларга раҳмат!

Муҳаббат СУЛАЙМОНОВА
Гулистон тумани

четда қолмаган. Хусусан, 2025 йилда «Аёл-
лар дафтари»нинг 6-босқичига киритилиб,
жамғарма ҳисобидан 700 000 сўм миқдориди
моддий ёрдам олган.

Унинг бугунги ҳолати кўриб чиқил-
гач «Аёллар дафтари»нинг 7-босқичига ки-
ритилди ва тиббий ёрдамга муҳтож хо-
тин-қизлар тоифасига мансуб, деб топилди.
Шу тариқа унинг ижтимоий ҳимояси яна
мустаҳкамланиб, зарур ёрдамлар олиш им-
конияти яратилди.

Дилдора ИБРОҲИМОВА
«ISHONCH»



МАНЗИЛ ОЛИС – КЎНГИЛ ЯҚИН

Белгиланган тадбирга бироз кечикиб бордик. Ишхонамиздан узокроқдаги манзил, йўллар тирбанд... Аммо шу баҳонада Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касабаси Республика кенгаши раиси Эшмирза Абдуалимов бизга тадбирнинг моҳияти, бошланғич ташкилотлар фаолиятини кучайтириш, янги ҳамкорларни жалб этиш масалалари ҳақида гапириб берди.

Унинг айтишича, тармоқ тизимидаги ташкилотлар вакиллари ҳар ой шундай йиғилиб туришади. Мақсад – тажриба алмашиш, амалга оширилаётган ишларни таҳлил этиш, навбатдаги вазифалар хусусида фикрлашиш...

Бу галги учрашувга Ветеринария дори воситалари ва маҳсулотларни сировдан ўтказиш давлат илмий назорат маркази мезбонлик қилди. Муассасага кириб борар эканмиз, ёқимли манзара – яшил табиат, оппоқ, ним пушти либосли мевали дарахтлар, узокдан ҳам ярқ этиб кўзга ташланиб турган дола гуллари, табассумли чехралар бизни куттиб олди.

Тадбирни «Дўстлик» ордени соҳиби, Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касабаси Республика кенгаши раиси Эшмирза Абдуалимов, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитаси раиси ўринбосари Шухрат Жабборов очиб беришди. Сўнгра кўмитанинг Ишлар бошқармаси бошлиғи, касабаси уюшмаси раиси Улуғбек Исмаилов тадбирнинг бошланғич ташкилотлар фаолияти ҳамда 2025 йилда

амалга оширилган тадбирлар, кўмита раисининг Маънавият ва давлат тили масалалари бўйича маслаҳатчиси, Гендер маслаҳат кенгаши раиси Малика Абдуҳакимова маънавий-маърифий ишларни ташкил қилишда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик масалалари ҳақида сўз юритишди.

Ўз навбатида, марка директорлари ўринбосари, бошланғич ташкилот раиси Абдурахим Расулов, марказнинг Ахборот-коммуникация технологиялари бўйича мутахассиси Эрдон Холиқов касабаси уюшмаси фаолияти, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларини таъминлаш масалалари хусусида батафсил маълумот беришди.

Муассасада 69 нафар ходим меҳнат қилади. Ишчиларнинг саломатлиги, сифатли дам олишлари, сийҳаттоҳлар ва юртимиз бўйлаб саёҳатларга юбориш масалалари касабаси уюшмасининг доимий эътиборида. Маърифий тадбирлар мунтазам уюштирилади. Ходимлар йил давомида пойтахтимизда музейларга, турли концертларга бориб, маданий ҳордиқ чиқаришади. Уларнинг хавфсиз



ва самарали меҳнат қилишлари учун зарур шароитлар яратилган.

Маърузалардан сўнг лаборатория, Маънавият ва маърифат хоналари, тренажёр зали, футбол майдонида бўлиб, юқорида билдирилган фикрлар ростилигига ишонч ҳосил қилдик. Марказда ходимлар манфати, ҳақиқатан ҳам, барча нарсдан устун эканидан қувондик.

Ва яна бу ерда ишчилар учун ётоқхона қурилаётган экан. Тушлик ҳам ташкилот ҳисобидан. Ойлик маошлар, касабаси уюшмаси томонидан битта ходимга ажратилган бир йиллик маблағ ҳам унинг ҳаётдан рози бўлиб яшashi, ишга хотиржам келиб-кейтиши учун етарли даражада. Бу фикрларни тадбирга йиғилганларнинг барчаси – Агросаноат мажмуи ходимлари

Бошланғич ташкилот фаолиятдан

Алишер Навоий

Семинар

Жиззахда «Янги Ўзбекистон – янги касабаси уюшмалари» шiori остида Агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши ташаббуси билан икки кунлик ўқув ташкил қилинди.

ЎҚУВИ БОР УЛҒАЯР

Тизимдаги 12 та туман кенгаши ҳамда 90 та бошланғич ташкилот раислари иштирокида ўтган тадбир аввалида соҳага оид ҳуқуқий хужжатлар ижросини самарали таъминлашга оид тавсиялар берилди. Шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш борасида жамоатчилик назоратини кучайтириш, ижтимоий шериклик, жамоа шартномалари ва келишувлар тузилишида ҳуқуқий метёрлардан оғишмаслик, иш берувчи ҳамда ходим ўртасидаги меҳнат муносабатларини тартибга солиш, низоларни ҳал қилиш, гендер тенглик масалаларига эътибор қаратилди. Ўз навбатида, касабаси уюшмалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича иштирокчиларнинг таклифлари ўрганилди.

Қатнашчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга мутахассислардан жавоблар олган мазкур семинарда кишлоқ ҳўжалиги ходимларини санаторий йўланмалари билан таъминлаш, фарзандларини ёзги таътилда оромгоҳларда дам олдириш кўнгилдагидек эмаслиги қайд этилиб, вазиятни ўнглаш юзасидан тушунтиришлар берилди.

Ўқув доирасида иштирокчилар учун Жиззах вилояти тарихи ва маданияти ҳамда Ҳамид Олимжон ва Зулфия музейларига саёҳат уюштирилди.

Семинар якунида барча иштирокчиларга сертификатлар топширилди.

Акбархон ТУРСУНОВ,
Агросаноат мажмуи ходимлари
касбаси уюшмаси Жиззах вилояти
кенгаши раиси

Гулрухбегим ОДАШБОВЕВА
«ISHONCH»

Муҳокама

муҳофаза қилиш ва хавфсиз иш муҳитини таъминлаш бўйича амалий тавсиялар берилди.

Шунингдек, янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси талаблари асосида фуқаровий-ҳуқуқий шартномаларни меҳнат шартномаларига алмаштириш ишлари қандай кетаётгани ҳам муҳокама қилинди.

Баҳодир ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»

Мулоқот

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилояти кенгашида Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши ташаббуси билан тармоқда фаолият кўрсатаётган ёш ходимлар, бошланғич касабаси уюшмаси ташкилотларининг ёш етакчилари иштирокида «Раҳбар ва ёшлар учрашуви» ташкил этилди. Тадбирни кенгашнинг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Муяссар Раҳимова олиб борди.

ЁШ ХОДИМЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Унда сўзга чиққан вилоят кенгаши раиси Гулсара Қурбонбоева, раис ўринбосари Камолжон Бекжонов бугунги кунда ёшлар учун қўлай шарт-шароитлар яратилаётгани, айниқса, таълим тизимида уларга эътибор қўчайгани ҳақида тўхталдилар.

Шунингдек, касабаси уюшмаларининг жамиятдаги ўрни, ёш ходимларни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган чоралар, жамоа шартномаларида уларнинг манфаатлари алоҳида ҳимоя қилиниши, ўтказилаётган танловлар тўғрисида ҳам сўз юритилди.

Тадбир давомида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоблар олишди.

Бахтиёр ИСМАИЛОВ,
Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

АМАЛИЙ ТАВСИЯЛАР БЕРИЛДИ

Агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши бошланғич касабаси уюшмалари раислари учун Қашқадарёда икки кунлик ўқув-семинар ташкил этилди.

Тадбирдан қўзланган асосий мақсад корхона ва ташкилотларда ходимларнинг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, касабаси уюшмалари фаолиятини янги босқичга кўтариш ва мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни тарғиб қилишдан иборат бўлди.

Тадбирда Агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши раисининг ўринбосари Хусан Бегматов, бўлим

мудирлари, вилоят кишлоқ ҳўжалиги бошқармаси бошлиғи Облоёр Боймиров ва кенгаш раиси Бахтиёр Жўраев мавзу юзасидан фикр-мулоҳазаларини баён этишди. Иштирокчиларга жамоа шартномаларини тузиш ва ижросини таъминлаш, ходимлар учун узайтирилган таътиллار ва ижтимоий кафолатларни белгилаш, меҳнатни

си саъй-ҳаракати билан ушбу масала юзасидан яна судга даъво-ариза киритилди. Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар суди бундан олдинги қарорларни тасдиқлади. Шундан сўнг адолат тикланди.

– 2009 йили иш жараёнида жароҳатланган ходимга тўланмасдан қолиб кетган товон пули ва бошқа қўшимча тўловларни ундиришдаги сансалорлик ниҳоят барҳам топди, – дейди инспекциянинг меҳнат техник инспектори Усмон Каримов. – Ҳақиқат эгилиши, букилиши мумкин, аммо синмайди.

– Инсон қадрини, меҳнатқашлар ҳақ-ҳуқуқлари касабаси уюшмаларининг доимий назоратида эканига амин бўлдим, – дейди Ш.Пирназаров. – Масалани ҳолисона ўрганиб чиқиб, мени қўллаб-қувватлашди. Бунинг учун ташкилот вакилларига катта раҳмат.


Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»

Касабаси уюшмаси аралашгач...

17 ЙИЛДАН СЎНГ ТИКЛАНГАН АДОЛАТ

Меҳнат билан боғлиқ бахтсиз ҳодисага учраган «Пахтачигуманга» филиали ходими Шомурод Пирназаров, салкам 17 йилдирки, ҳақ-ҳуқуқини тиклаш учун курашиб келмоқда.

Гал шундаки, унинг муаммоси бир неча бор судда кўрилишига қарамай, ижобий ечим топмади. Бу хусусда «Ishonch» газетасининг 2025 йилги 31-сонида «Ғаладонда қолган ҳуқуқ», шу йилнинг январь ойида эса ishonch.uz сайтида «Хуқуқ ҳали ҳам ғаладонда» сарлавҳали мақолалар эълон қилинди.



Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясини Самарқанд вилояти кенгаши меҳнат инспекция-

ҲАР ТОМОНЛАМА ФЙДАЛИ

Унда Агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши мутахассислари Ҳ.Бегматов, Т.Санаев, Ш.Бегимқуловлар корхона ва ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилишнинг метёр ва қоидаларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини ташкил этишда касабаси уюшмаларининг вазифалари ва бошқа қатор масалалар бўйича манфаатли суҳбатлар ўтказишди.

Тингловчилар намунали бошланғич ташкилотлардан бири – Гулистон сув иншоотлари ва «Дўстлик» канали бошқармаси бошланғич касабаси уюшмаси кўмитасига ташриф

буйришди. Кўмита раиси Б.Ибодуллоев ўз иш тажрибасини семинар иштирокчилари билан ўртоқлашди.

Иштирокчилар Сирдарё вилояти тарихи ва маданияти давлат музейида ҳам бўлишди. Бу ерда воҳа тарихидан хикоя қилувчи топилмалар, осори атиқалар, муҳим саналарни ёдга солувчи талай экспонатларни томоша қилиб, бой таассуротларга эга бўлишди.

Икки кун давом этган ўқув-семинар якунида тингловчиларга сертификатлар, машгулотларда фаол иштирок этган бир қатор бошланғич касабаси уюшмаси кўмитаси раисларига эсдалик совгалари топширилди.

Баҳор ХОЛБЕКОВА
«ISHONCH»

Байрам

БАҲОР ФАСЛИ ШУКУҲИ

Юртимизда баҳор шукуҳи кезиб юрган бир паллада Ўзбекистон тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касабаси уюшмаси Тошкент шаҳар кўмитаси ташкил этган тадбир дилларга қувонч улашди.



Иссиқлик таъминоти марказида халқимиз меҳмондўстлиги, пазандалик санъати ва қадр-иятлари мужассам бўлган байрам дастурхони ёзилиб, унда нуруний ва фахрийлар, хорижий меҳмонлар ва ишчи-ходимлар жам бўлишди. Сумалакнинг тотли иси, кўклам неъматларининг файзи барчани бир даврага жамлаб, самимий суҳбатга чорлади.

Тизимда ҳар қўклам спорт мусобақалари, ош пишириш чемпионатини ўтказиш, сумалак тайёрлаш анъанасига айланган. Айниқса, ош чемпионати байрамнинг энг ёрқин лаҳзаларидан бирига айланди. Пазандалар бор маҳоратларини ишга солиб, миллий таомини – паловни турли усулда тайёрладилар.

Кувонарлиси, тадбирларда барча ходимлар фаол иштирок этдилар. Бу эса жамоа бирдамлиги, ўзаро ҳурмат ва аҳилликнинг ёрқин ифодаси бўлди. Наврўз нафаси ила ўтган ушбу шодиёна инсонларни бирлаштириш, эзгулик ва меҳр-оқибатни улаштириш нақадар муҳим эканини яна бир бор ёдга солди.

Байрам ниҳоясида мусобақа иштирокчиларига фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совгалари улашилди.

Диёра РАВШАНОВА
«ISHONCH»

Сўранг, жавоб берамиз

САВОЛ: Бир киши мени ёғочсоз уста сифатида ишга қабул қилмоқчи. Суриштириб билсам, у яққа тартибда тадбиркор, хонадонда кичкина цех ташкил қилган экан. Бундай ҳолатда ойлик маош, таътил ва дам олиш шартлари, иш стажини каби масалалар қандай ҳал этилишини қонун нуқтаи назаридан тушунтириб берсангиз...

Шокир ҲАЙДАРОВ

Сурхондарё вилояти

ЯТТга ишга кирса, имтиёзлар борми?



ЖАВОБ: Амалдаги Меҳнат кодексига яққа тартибдаги тадбиркор (ЯТТ) бўлиши ёлланиб ишлайдиган шахслар меҳнатини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари алоҳида белгилаб қўйилган. Жумладан, давлат рўйхатига киритилган ЯТТлар банк ҳисоб-варағини очганидан сўнг фаолият турига қараб, муайян миқдорда ёлланим ходимлар меҳнатидан фойдаланишга ҳақли.

ЯТТ томонидан ишга қабул қилинаётган ишчи билан меҳнатга оид муносабатлар юзасида келишига номуайян муддатга ёки муддатли ёзма шаклда тузиладиган меҳнат шартномаси асос бўлади.

Бунда иш қидираётган фуқаро меҳнат шартномаси тузилгунига қадар меҳнат ва бандлик, иш ҳақи миқдори ва бошқа шартлар тўғрисида олдиндан хабардор қилинган бўлиши керак.

Меҳнат шартномаси уч нусхада тузилади, улардан бири ЯТТга қолади, иккинчиси ёлланим ходимга берилади, учинчиси эса давлат солиқ хизмати органига тақдим этилади. ЯТТ томонидан ёлланим ходимларни ишга қабул қилиш буйруқ эълон қилмасдан амалга оширилади.

ЯТТда ишловчи ходимларга меҳнат дафтarchалари юритилмайди. Иш режими, дам олиш кунларини ва йиллик меҳнат таътиллари бериш тартиби ходим билан иш берувчи ЯТТ ўртасидаги келишувга қўра белгиланади. Бунда иш ҳафта-сининг давомийлиги меҳнат қонунчилигида белгиланганидан кўпроқ, йиллик меҳнат таътиллари давомийлиги эса қисқароқ бўлиши мумкин эмас.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими



МУСТАҚИЛЛИК ОДАМИ



Карим БАХРИЕВ

Мустақиллик одами ким? Унинг Ватанга, давлатга, миллат ва тилига, динига муносабати қандай бўлмоғи зарур?.. Кейинги пайтларда шундай мазмундаги саволлар атрофида кўп ўйлайдиган бўлдим.

Мустақилликни, аввало, юрт мустақиллиги сифатида англаймиз. Туркий аждодларимиз у ёки бу даражада ўн олтига буюк салтанат бунёд этган. Ушбу империялар мустақил юртлар бўлиб, аждодларимиз бошқаларнинг қўш-қовоғига қараб яшамган, дунёни ва атрофидагиларни ўзи билан ҳисоблашишга мажбур қила олган.

Яқин тарихимизда бир муддат Россия империяси ва шўролар салтанати асорати остида яшадик. Мустақил Ўзбекистон ва қардош давлатлар мустақиллиги деганда, буни шу контекстда – яна дунё халқлари сафига мустақил давлат сифатида қайтаётганимиз ўлароқ қабул қилишимиз лозим ва мустақиллик одами бунини чуқур тафаккур қила оладиган одамдир.

Бугунги мустақил Ўзбекистон давлати, аждодларимиз қурган салтанатлардан фарқи ўлароқ, ҳақдан зиёд глобаллашган дунё воқелигини ёдда тутишимиз керак. Бу дунё ўтмишида от миниб, қилч тугиб чопган суворийлар ўлкалари эмас, бугунги салтанатларнинг ядро куроллари, космик ракеталари бор, ҳозирги жосуслик оғиз-қулук билан эмас, юксак технологиялар, самовий сунаъий йўлдошлар, интернет каби кибермақомада амалга оширилади. Шулар қаторида мустақил юрт сифатида ўзига, этникоғига, тилига ва миллий эҳтиятига эга овоз халқ сифатида яшашга ҳамда яшаб қолмоқ лозим.

Албатта, бугун глобал дунё ўзаро яшаш ва ҳаракатланиш қоидаларини ишлаб чиққан – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти мавжуд, унинг сиёсий ва фуқаровий, иқтисодий ва маданий ҳаётни қафолатлаган конвенциялари, халқаро шартномалари қабул қилинган. Мустақил Ўзбекистон БМТ аъзоси ва унинг ўз ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари бор.

Мустақиллик одами фуқародир. Фуқаро билан давлат ўртасида ижтимоий муроса, адолатли муносабат бўлмоғи керак. Фуқаро ўз мустақил давлатини севгани каби, давлати ҳам унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаши зарур. Мамлакатнинг қудрати фуқародан қанча сармоя давлатга олингани билан эмас, фуқарода қанча қолгани билан белгиланади. Давлат қудратли ва бой бўлса-ю, аксарият фуқароси камбағал бўлса, бу мустақил юрт эмас. Кучли фуқаролик жамияти лозим.

Мустақиллик одами Ватанини севди. Ватан деганда мияда кўп фикрлар айланади. Мустақиллик одами кўр-кўрона эргашувчи фанатик эмас, у фикрларни инсондир. Ҳар қадамида, ҳар бир ҳаракатида, сўзида масъулиятни ҳис қиладиган, мушоҳада билан иш юритадиган одамдир. У аввал сўзлаб, кейин ўйлашга қарайди.

Мустақиллик одамининг ҳаракатида, сўзида, кўз ўнгиде Ватани, миллати, дини, шаъни ва номуси, одамгарчилиги туриши лозим. Шу ҳаракат билан Ватанимга яхшилик келтиришимиз ёки зарар етказишимиз, шу қилмишим ўзбек миллати шаънига му-

носибми, шу сўзларни исломдай мўъйбин динимизга бўлган эътиқодимиздан ташқари эмасми, эртага номус қилмайманми, деб ўйлаш шарт.

Кишлоқ, маҳалла, овул – кичик Ватан.

Шомирза тоғамиз бир воқеани ҳикоя қилиб берганди. Иккинчи жаҳон уруши пайти Уругтудга Ғўс қишлоғимиздан ўн етти йигит фронтга кетишди ва Беларусда жангга қўшилишди. Йигитлар орасида Пўлат исми ўн олти ёшли йигитча ҳам бўлиб, унинг олдин урушга кетган икки акасининг биридан «қора хат» келган. Иккинчиси бедарак кетган, ҳатто у олонлар томонга ўтиб «Туркистон легион»га қўшилган, советларга қарши уришяпти, «ватан хоини», деган гаплар тарқалган. Пўлат ўз ёшини катта кўрсатиб, хонадон номини оқлаш учун орият билан урушга борган. Биринчи жангдаёқ Пўлат ҳарбий трибуналга тортилади – чунки у жанг пайти қаршидаги бир немас аскарига олдидан узок термилиб қолади, ўқ узмайди. Душман эса, бизникиларни ярайлади.

Пўлат ҳамқишлоқларига: «Уша душман томондаги йигит акама ўхшаркан, балки акам у томонда туриб бизга қарши жангга киргандир, акамнинг қотили бўлиб қолмай, деб отмадим», дейди.

Мўйлови энди сабза урган Пўлат отувга ҳукм қилинади. Ўрис офицер «қороволайга сабоқ бўлсин» деб Пўлатни отиш учун қишлоқдошлардан учтасини сафдан ажратиб олиб, қаршиларидаги кўзи боғлиқ ҳолда турган «ватан хоини»ни отишни буюради. Шомирза ака ва яна икки йигит ўқни милтиққа жойлаб, Пўлатга тўғрилайдилар. Отувга буйруқ берилади. Ўқлар гумбуралайди... Аммо Пўлат тик турибди, унга ўқ тегмаган. Офицерлар даргазаб. Қишлоқдошларнинг ҳар бири: «Бошқалар отса ҳам, мен отмай, ҳамқишлоғимнинг қотилига айланмай», деб ўйлаган.

Ўрис офицер ўзи ва яна икки ўрис аскарни ҳамда ўн олти нафар ғўсликни қаторга тизиб, ўн еттинчи ҳамқишлоқлари бўлган Пўлатни отишга буюради. Ўн тўққизта милитк ўсмир Пўлатжонга қаратилади. Буйруқ берилади. Ўн тўққизта милтиқдан ўқ гумбураб отилади. Пўлатжон ерга йиқилади. Унинг баданида учта ўқ яраси бор эди...

Ватан... Мустақиллик одами Ватанини тақдир, қисмат деб билади. Уни назмбозлар айтгани каби «йилда тўрт фасл ўз вақтида келиши», «серкўёшлиги», «тўпроғида пахта очилиши» учун севмайди. Аллоҳ тақдир қилган заманда тугилганини, уни ватан қилган халқини, она тилини, эътиқодини бор бутунча севди.

Мустақиллик одамининг Ватанга муносабати шунчаки эмас, у юртининг аҳолидан ички ва тийрак ҳолда боқабардир, уни қуруқ мактовлар чулғамайди, юртининг тақомилига ҳалақит бераётган камчиликларга кўз юммайди, бемалол таҳлил ва танқид қи-

Тупроқдан келдик, тупроққа кетармиз. Муҳими дунёда кирланмасликдир, кўнгилни пок тутмоқ, дилга кир юқтирмасликдир...

Жалолiddин Румий

Мушоҳада

– Шошма, биродар, унинг ўша гапи ҳақиқатми ёки ёлғонми? – деб сўраганлар.
– Билмайман, текириб кўрмадим. Эшитдим, холос.
– Хўш, айт-чи, ўша гапни айтсанг, бу мен ҳақимда яхши гапми ёки ёмон гапми?
– Ёмон гап!
– Хўш, айтгин-чи, ўша гапни эшитсам, бу менга фойдалими ёки зарарлими?
– Фойдаси йўқ.
– Қўрапсанми, сен ўзинг рост ёки ёлғонлигини билмайдиган, фойдаси йўқ, яхшиликка олиб келмайдиган гапни етказмоқчи бўлгансан! Асло айтма! – деган эканлар ҳазрат.

Дарҳақиқат, ижтимоий тармоқларда, чойхонада, кўча-кўйдами, одамлар билан суҳбатда, оилада – гапирётган гапимизни аввал мушоҳада қилиб, юқоридаги каби уч бор тафтишдан ўтказиб, кейин айтган мақбулдир.

Афсуски, бугун кўпчилик тафаккур қилиш тугул, ихчам бир рисолати, ҳатто бир неча варақли матни ҳам ўқимай қўйди. Ижтимоий тармоқларда ҳам каттароқ мақолалар ўқилмайди, қисқа ноҳоз гап миллионлаб марта ўқилади, тарқатилади, аммо мақолалар, мушоҳадаларга гўё вақт топилабди. Аслида бизнинг шахсимиз тарбиялайдиган беминнат ҳамроҳимиз китоблар, газета-журналлар эмасми?! Айни дамда шу мақолани ёзганман, бироз ўқирман, деган ҳақидаман. Мустақиллик одами – кенг мушоҳада ва тафаккур қилишдан эринмайдиган одамдир.

Мустақиллик одами бу глобал дунёда яшаб қолмоғи учун тарихни, бугунни ва истиқболни яхлит тасаввур қилади. Буюк аждодларнинг авлоди эканини ҳар дам ҳис этади, аммо бу буюклик билан фақат мақтаниб юрмайди, унга муносиб бўлишни ўйлайди, ҳар бир хатти-ҳаракати, айтётган ҳар сўзи аждодларга монанд бўлишига ҳаракат қилади, бу гапимга болболаримиз қандай қараган бўларди, деб ўзини тафтиш қилади.

Биродарлар, аждодларимиз зогора нон еган пайтларда ҳам, йўқчиликдан қаттиқ қийналганда ҳам биронинг мол-мулкига кўз олайтирмаган. Гап камбағалликка эмас, бугунга келиб, глобаллашув заботи остида маънавият, эътиқод емирига бошлаганида. Буюк файласуфлардан бири айтгани каби, «Одамлар «дин учун» жангга тайёрлар, курашадилар, аммо... дин йўл-йўригига кўра яшамайдилар».

Ростақамига, ҳамма эътиқодига кўра яшай бошласа, тўқсон тўққиз фоиз муаммо ечиларди. Масалан, коррупция, порахўрлик... Ҳаром пул топаётган мансабдор кимса ризкига зигирча ҳаром аралашган одам жаннатнинг ҳидини ҳам ҳидламайди, деган ҳадисни эсласа, кўзига дўза асоби кўринса, нафсини тиярмиди. Биронинг пулини олиб қайтармаётган фирибгарларни учратамиз, эшитамиз. Ҳолбуки, Аллоҳ ўзи фарз қилган номозни, зақонни, рўзани адо этмаган бандаларнинг кечира олиши, аммо қарзини қайтармагани кечира олмаслиги, қарзи узилмагунча бундай кимсага жаноза жоизмаслиги айтилган.

Миллатимиз шундай бир мўъйбин динга эътиқод қиладики, унда бировга салом берганга ҳам, алик олганга ҳам савоб бор, ҳўмрайиб юрмаса, бировга табассум қилса ҳам, шу жиймаган хечраси учун унга савоб бор. Инсоннинг оиласи, бола-чақасига сарғалган пули учун қийрот-қийрот савоб бор. Таниш-нотааниш кишининг жанозасида қатнашса, бир қийрот савоб бор, агар қабрга қўйгунча кутса, икки қийрот савоб бор.

Мустақиллик одами миллат шаъни ва шарафини эъзозлайди. Аллома Маҳмудхўжа Бехбудий: «Аввал – миллат, кейин – уммат, сўнг – инсоният», деганлар.

Мустақиллик одами ўз миллатини улуғлаш учун бошқа миллатларни паства урмайди. Миллатни улуғлаш унга муносиб бўлиш, муносиб хатти-ҳаракатлар қилиш билан бўлади. Миллатнинг тилига, иймонига, урф-одатларига, барқарор ҳаётига, фаровонлигига хизмат, садоқат ва эҳтиром билан бўлади.

Мустақиллик одамининг дунёга ва ундаги бошқа миллатлар ва халқларга, ўзга давлатларга, динлар ҳамда тилларга муносабати одил, самимий, ҳушёр бўлиши лозим.

Мустақиллик одамининг ҳаракатида, сўзида, кўз ўнгиде Ватани, миллати, дини, шаъни ва номуси, одамгарчилиги туриши керак. Шу ҳаракат билан Ватанимга яхшилик келтиришимиз ёки зарар етказишимиз, шу қилмишим ўзбек миллати шаънига муносибми, шу сўзларни исломдай мўъйбин динимизга бўлган эътиқодимиздан ташқари эмасми, эртага номус қилмайманми, деб ўйлаши шарт.

«Ватан» журналининг 2025 йилдаги 2-сонидан олинди.

Шамоллар уйғонди – барг ҳаяжонда. Ҳатто ер остида қўзғалди илон, Дунё кўзларини очаетганда Кетгим келмаяпти, онажон.

Карим Бахриев шундай



Мароқли дам олинг, азиз газетхон!

Раҳматилла Юсупов ижросида

«КЕТГИМ КЕЛМАЯПТИ, ОНАЖОН» ҚЎШИҒИ

MUASSIS:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69

Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89

Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79

Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43

Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20

Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23

Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31

Navoiy viloyati – (+998-90) 500-05-12

Jizzax viloyati – (+998-94) 688-00-27

Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66

Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26

Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55

Surxondaryo viloyati – (+998-91) 193-19-70

Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44

Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24

Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01

Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Manzillimiz:

100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.

E-mail:

ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning poligrafik jihatdan sifati chop etilishiga mosaxonona mas'ul.

Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.



Мозийдан садо

КАЪБА АНДОЗАСИДА ҚУРИЛГАН МАСЖИД

Бухоро азалдан ислом маданияти ва меъморчилигининг йирик марказларидан бири сифатида танилган. Шаҳарда асрлар давомида барпо этилган масжид, мадраса ва зиёратгоҳлар нафақат халқимизнинг маънавий ҳаётига, балки жаҳон меъморчилик тарихида ҳам алоҳида ўрин тутди. Ана шундай ноёб обидалардан бири XVI асрда қурилган Баланд масжиддир.

Тарихий манбаларга кўра, ушбу масжид Шайбонийлар даврида Бухоро вазири Қулбобо Қўқалдош ташаббуси билан барпо этилган. Иншоот харсан тошлар устига балолад қилиб қурилгани «Баланд масжид» деб ном олган. Илгари унинг супа қисми икки метрдан ҳам юқори бўлгани айтилади. Шунинг учун ҳам масжид шаҳар меъморчилигида ўзига ҳок кўринишга эга бўлган. У мурабба шаклда, пишиқ гиштдан барпо этилган ва ичида бирорта ҳам устун йўқ. Шу боис халқ орасида «масжиди бестум» – «устунсиз масжид» деб аталган.

Масжид қурилишида ишлатилган қум муқаддас замин Кабатуллоҳ атрофидан олиб келинган экан. Шунингдек, унинг ўлчамлари ҳам Каъба андозаларига мос равишда белгиланган. Ана шу жиҳатлар сабаб халқ орасида бу масжидда ибодат қилиш «ҳаж пиёда», яъни ҳаж зиёратига пиёда бориш савобига тенг, деган эътиқодий қараш шакланган.

– Масжид ҳажман кичик бўлса-да, безак ва маъно жиҳатидан гоъят бой, – дейди тарих фанлари бўйича фалсафа доктори Шавкат Бобоқонов. – Ички қисми полдан шифтга нақшлар билан безатилган. Қўқ тол ёғочидан ишланган, муқарнаслар билан пардозланган шифт 74 та занжир билан мустаҳкамланган. Деворларнинг юқори қисмида Фатҳ сурасиндан оятлар сул ва кўфий хатларда битилган, хона деворларида унфа катиба жойлашган бўлиб, уларда ҳадислар келтирилган. Меҳроб атрофида тилла суви ишлатилган.

Шимоли-шарқий томондаги 8 метрли айвон бешта ёнғоқ устун билан қўтарилиб туради. Бу беш устун исломнинг беш арқонига ишора сифатида талкин қилинади. Ҳовлидаги қудуқ ҳам тарихий ёдгорлик сифатида сақланган.

Совет даврида масжиддан омондорона ва муҳика тўғарида биноси сифатида фойдаланилган. 1989 йилдан у яна ибодатгоҳ сифатида фаолият юритмоқда. Истиқлол йилларида таъмирланди, ўзининг тарихий қиёфасини тиклади. Бугун масжид ичида 90 нафар, айвон ва ҳовлиси кўшиб ҳисобланса, 300 нафарга яқин номозхон ибодат қилиши мумкин.

«Баланд масжид»нинг ҳар бир гишти, ҳар бир нақши ва ҳатто муқаддас заминдан келтирилган қуми ҳам халқ эътиқоди ва ҳурматининг рамизи сифатида қадрланади.

Дилдора АМРИЛЛОЕВА

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси уюшма аъзоси, таникли журналист

Карим БАХРИЕВ вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардик билдиради.

Эълонлар

Ташкент шаҳар, Сергели тумани нотариуси Мирзаева С.Т. томондан 2026 йил 26 февралда берилган ижро ёзувларига асосан «LOMBARD IXLOS INVEST» МЧЖ Ўзбекистон Республикасининг «Гаров тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ талаб қилинмаган гаров мулкларини сотувга чиқаради. Барча қизиққан шахслар қуйидаги телефон рақамлари орқали мурожаат қилишлари сўралади: (71) 295-91-07; (71) 295-93-37.

Нужная Светлана Равильевна номига 01.02.1993 йилда берилган хонадонга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи №07-01/2723 рақамли давлат ордери ҳамда кадастр ҳужжатлари йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Umumiy adadi 35 285 ta

Shundan: 6 610 nusxasi

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi –

Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;

19 477 nusxasi

«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –

Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

9 198 nusxasi

«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –

Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma taboq. **Buyurtma: G-311**

1 2 3 4 5 6